

The article discusses the role of small genres of folklore in educating primary school students in the spirit of patriotism. Methods of teaching based on the patriotic idea of small genres of folklore are also given.

КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ ЭТНОПЕДАГОГИКАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ СИФАТИДА

Е.К.Алламбергенов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: комил инсон, «Авесто» китоби, «Фозил одамлар шаҳри» китоби, Фозил инсон, Ислоҳ фалсафаси, тасаввуф фалсафаси, «Шохнома» асари, «Минералогия» асари, Алишер Навоий, қорақалпоқ мутафаккурлари.

Ключевые слова: совершенный человек, книга «Авесто», книга «Фозил одамлар шаҳри», Благородный человек, исламская философия, мистическая философия, «Шохнома», «Минералогия», Алишер Навои, каракалпакские мыслители.

Key words: perfect man, the book "Avesto", the book "Fozil odamlar shahri", The noble man, Islamic philosophy, mystical philosophy, "Shohnoma", "Mineralogy", Alisher Navoi, Karakalpak thinkers.

Комил инсонни шакллантириш ғояси одамзот цивилизацияси ривожланишининг барча босқичларида энг аҳамиятли, долзарб муаммо бўлганлиги билан баҳолидир. Шу боис, ушбу комил инсонни тарбиялаш масаласи қорақалпоқ халқи этнопедагогикасида ҳам қадимдан энг асосий долзарб вазифа бўлиб келган.

Ҳар бир одамни, асосан, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонга айлантириш юртимиз мустақилликга эришиб, демократик, фуқаролик жамият қуриш йўлини танлаган ҳозирги ҳолатимизда жуда аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, манавий дунёси қашшоқ, келажакга ишончи кам одам жамиятимизнинг олдида турган вазифаларни туғри ва тез тўрда ҳал қила олмайди. Ўзбекистонни улуг ва ривожланган юртга айлантириш, яъний янги Ўзбекистонни қуриш учун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни фақатгина ҳозирги замон илмига, техникасига асосланиб чин юраги билан ҳалол, натижага меҳнат қилган одамларгина ҳал қила олади. Бундай одам маънавий дунёси бой, ҳар томонлама билимли, одоб-ахлоқли, етук инсон болиши керак. Бошқача айтганда, элимизнинг олдида турган буюк ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишнинг энг асосий шарти – бу маънавий, одоб-ахлоқий жиҳатдан етилишган, ҳозирги замон илм-фанини ўзлаштирган, мутахассислиги бўйича кўникмаларга эга инсонларни тарбиялаш бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бир қатор чиқишларидаги нутқларида, унинг фармони билан қабул қилинган ҳужжатларда комил инсон тарбияси масаласи бугунги кун талабларига лойиқ ҳар томонлама теран асосланган турда ўз ечимини топмоқда, бу жараёни жадаллаштиришнинг йўллари ва моддий асослари кўрсатилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига киришиш салтанатли маросимида-оқ бу соҳадаги ўзининг ниятларини шундай баён қилган эди:

«Бугунги кунда фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган ҳаётий қақирқ ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамиятчилликнинг онгидан ва қалбидан маҳкам ўрин эгаллаган... Биз ёшларга боғлиқ давлат сиёсатини, ҳеч иккиланмасдан, қатиян давом эттирмай. Фақатгина давом эттириб қуймасдан, балки, бу сиёсатни энг аҳамиятли вазифамиз сифатида бугун зомон талаб қилаётган юқори даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг эркин фикрлайдиган, юқори интеллектуал ва маънавий потенциалга эга бўлиб дунё юзи кўламида ўз тенгдошларига ҳеч қандай соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч-имкониятларини ишлатамиз» [2:56].

Комил инсонни шакллантириш муаммоси фалсафий ва ижтимоий-сиёсий ўй фикрлар билан бирга таълим-тарбиянинг ҳам марказий муаммоси бўлиб келган. Бу масала барча тарихий даврларда ҳам буюк мутафаккирларнинг диққати марказида турган энг аҳамиятли муаммо бўлган. Минг йиллар давомида бунёд бўлган дostonлар, нақл-мақоллар, кўшиқ ва

афсоналар, мусикий ижод намуналарида инсон, инсонлар орасидаги муносабатлар, дўстлик, ҳамкорлик, саҳийлик, меҳнатсеварлик ўқшаган инсоний фазилатлар ардоқланади. Инсонийликга туғри келмайдиган қора ниятчилик, ёвузлик, беномуслик, факмсизлик қораланади. Инсоннинг ҳақиқий фарзандини қудиратли зот деб тан олиш кераклиги, унга чексиз ҳўрмат ва мулоимлик лойиқ эканлиги қайта-қайта тасдиқланмоқда. Одамзод тарихида инсоннинг тақдирига фарқсиз қараган бирда-бир ўйчил бўлган эмас. Бунга зардуштийликнинг «Авесто» китоби, Қадмги Шарқ ва Грециянинг атоқли файласуф олимларининг фикрлари ва биринчи, иккинчи Ренессанс даврларидаги туркийзабон халқларга ўрток адабий-маданий ёзма эсталиклар далил бўла олади. IX-XVI асрларда яшаган Марказий Осиёнинг олимлари, ўйчил-алломалари ва шоирлари инсоннинг маъносига, келажига, бахти, ҳаёти, комил инсон тарбияси ҳақида жуда баҳоли фикрлар айтган. Хоразмий, Фаробий, Фирдаусий, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайям, Аҳмед Яссавий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмед Югнакий, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўпчилик олим ва шоирларнинг меҳнатларида бу муаммо чуқур ва ҳар томонлама қўйилди. Абу Наср Фаробий бу муаммони тадқиқот қилишни бошлаб берганлардан бири бўлиб, у инсоннинг бахтга, етукликга эришиши тўғрисидаги ғояни ўз қарашларининг марказига қўйди. Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» номли китобида ўз халқини бахтга бошловчи шаҳарни фозил шаҳар деб ҳисоблайди. Фозил инсон – бу етук, комил инсон. Ҳақиқий бахтга эришиш учун ўз-аро ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган одамларнинг бирлашмаси бўлган шаҳар – фазилатли – идеал шаҳар, ўшандай жамоат – фазилатли, идеал жамоат. Фаробий инсонларни ўз-аро ёрдам беришга чақиради, дунёда бир бутун инсон жамоатини тузиш ҳақида армон этади. Фаробийнинг фикрича, қамолатга, етукликга фақат бир одамнинг ўзи эриша олмайди. Одамлар ўз-аро ёрдамлашибгина қамолатга эришади, ўзларида энг яхши гўзал фазилатларни намоеъ этадиган инсонлар жамоатини барпо этади [3:224].

Фирдаусий инсонни бутун тиричиликнинг энг етуғи, ҳар томонлама ривожланишнинг чўққиси, барча зотларнинг яратувчиси деб билади. «Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик чиқади, инсонсиз дунёнинг ўзи ҳам йўқ», дейди у «Шохнома»да. Умуман, «Шохнома» ўз даврининг фалсафий, мафкуравий устқурмасини ўзида тўлиқ ва чуқур инъикос эттирди» [4:6].

Берунийнинг фикрича, дунёда инсоннинг тутган ўрни, унинг иқболи масаласига катта этибор билан қараган. У «Минералогия» номли меҳнатида одамни ҳайвондан ажратадиган нарсаси одамнинг онгли ҳаёти, фаолияти эканлигини тўғри тушунади. Одамда онгли қудират бўлмаганда, унинг аҳволи ҳайвонлардан ҳам қўйи бўладиганлигини айтади. Берунийнинг айтишича, инсондаги макташга лойиқ хусусиятлар башқаларга яхшилик қилиш, мардлик, мурубат, нафсни тия билиш, хушрўй қийиниш. У ростгўйликни барча нарсадан баланд қўяди [5: 600]. «Ҳиндистон» номли асарида

нотўғри хабар тарқатувчиларни, махсус тўрда ёлгон сўзловчиларни қоралайди [6:538]. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асариди туғрилиқ, одиллик, ўзини асрай билиш, инсоф, камтаринлик, мулойимлик, одоб-ахлоқлилик, онгли ва туғри қадамлик, ихтиёткорлик, сахийлик, билимлилик, ишбилармонлик каби фазилатлар энг яхши инсоний хусусиятлар таркибига киради, деб ҳисоблайди. Бир бирининг кетига тушуш, кўра олмаслик, бошқаларнинг бахтсизлиги ҳисобидан бўлса ҳам юқори мартабага эга бўлиш учун ҳаракат этиш, фақатгина ўзини ўйлаш, бошқалар билан иши бўлмаслик - энг ёмон хусусиятлар деб кўрсатади [7: 488].

Абу Али ибн Сино, инсон - оламнинг тожи, у данк ва хурматга тўла лойик, деб ҳисоблаган. 20-25 ёшларидаёқ олим сифатида машҳур бўлган, 57 йил яшаб 450 дан ортиқ меҳнатлар ёзган, ўзининг номини Медицина (мадотсина) атамасида мангулаштириб кетган бобомиз Ибн Синонинг ўзи чин манода комил инсон десак бўлади.

Шойирлар султони, улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг фикри буйича, дунёда инсондан юқори ҳеч нарсада камолат йўқ, комил инсон - сўзи ҳам пок, ўзи ҳам пок инсон! У ақл ўйи билан ҳар қандай саволни еча олади, энг баланд чўққиларга чиқа олади. Шунинг билан бирга, Навоий «Одамий эрсанг демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами» [8: 305], деган фикрни ҳам билдиради.

Қорақалпоқ мутафаккурлари ҳам инсоннинг етуқлиги масаласига алоҳида диққат қаратган, ватанпарвар бўлишга шақирган. Бердақ комил инсоннинг белгиларини ҳисоблаб «эр болсанг элингни химоя қил, элнинг берган тузини оқла», «одам боласида бўлсин орномус», «эр йигитга номус билан ор керак», «кин-дикдан қон томиб тўғилган ер учун, ўлиб кетганингча хизмат этган яхшироқ» деб жирлаб, «ақли комил, билими зўр, илмли эл бўлмайди хўр» [9: 43] деб комил инсон тарбиялашнинг халқ, миллат ва давлат ривожланиши учун аҳамиятининг жуда катта эканлигини кўрсатади.

Ислом фалсафасида, аниқроғи тасаввуф фалсафасида комил инсон – бу идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Ҳақнинг руҳи билан туташган, қалби меҳр-шафоат туйғулари билан тўлган, покиза одам. Навоийнинг тили билан айтганда, комил инсон сўзи ҳам пок, ўзи ҳам пок инсон бўлади. Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждони, улар бошқаларга ўрнак бўлади, бошқалар уни кўриб тавбага келади. Улар бошқа одамларнинг руҳига қувот, кўзига нур бағишлайди. Тасаввуф буйича илоҳий поклик ва гўззаллик, ишонч ва ўй-фикр бизни бало-қатардан сақлайди. Тасаввуфдаги комил инсон бу халқнинг идеали, адабиётнинг идеали эди. Тасаввуф бу идеалга ўз йули билан, яъний дин орқали келди. Комил инсон масаласи тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, ҳар хил изоҳга эга бўлиб, у тўғрисида кўп асарлар ёзилган. Шулардан Саил Абдул Карим Геланий ва Азизитдин Насафийларнинг (XIII аср) «Инсони комил» номли асарларини такидлаб ўтиш ўринлидир. Аслида комил инсон тушунчаси биринчи марта Шайх Кабир номи билан ном қозонган Мухитдин Ибн ал-Арабий (1165-1240) тарафидан илмий айланмага киритилган. Ибн ал-Арабийнинг фикрича, комил инсоннинг ердаги тинимсоли

хозирати пайғамбаримиз – Мухаммад (салалаху уассаллам)дур. У зотда ақллилик, руҳий камолат, дунёвий ва илоҳий билимлар жамланган эди. Комил инсон муаммоси билан бошқа да тасаввуф илмининг вақиллари, шунинг ичида, Марказий Осиёдаги суфийлик тариқатининг отоқли вақиллари, асосан, Шайх Нажмиддин Кубро ва суфий шойирлар, алломалар бўлган Аҳмед Яссавий, Сулаймон Бақирғаний, Рабғузийлар кенг манода шуғулланган. Белгили олим Нажмиддин Камилонинг фикрича, комил инсон тўғрисидаги тасаввуфтаги ғояларни қуйидагича жамлаштириш мумкин:

– Комил инсон – инсонларнинг етилишгани, энг ақллиси ва энг доноси.

– Комил инсон – Оллоҳ билан одамлар орасидаги боғлаштирувчи, илоҳий кўрсатмаларни оддий одамларга етказувчи улуғ ғамхўрчи.

– Комил инсон – мартабада ақли кўл (ақлий аввел)га тенг. Оллоҳ дастлаб комил инсонни яратди, кейнчалик у сабабли бошқа тирикларни яратди.

– Комил инсон – Тангри тоала яратган энг қудиратли рух.

– Комил инсон – инсонлар жамияти ичидан етилишиб чиқадиган эзозли одам. У азалдан мартабаси аниқ бўлган рух эмас, аксинча одоб-ахлоқ-маънавий поклашни жараёнида камолга етишган.

– Комиллиқнинг энг юқорги белгиси ҳақ йулидан бориб халқга фойда келтириш бўлади. Одам ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан одамларга қанча фойда келтирса, ёмонларни туғри йулга солса, ҳақ йулида фидо айласа, шунчалик комил бўлиб ҳисобланади [10:150-151].

Улуғ мутафаккир, олим ота-боболаримизнинг фикрлари ва фаолияти бугунги кунда комил инсонларни тарбиялашда бизга йул кўрсатувчи ғоялар бўлиши сўзсиз.

Албатта, ҳоқлаган одамни комил инсон деб айта олмаимиз. Чунки, ҳаммада теран ўйлаш, ўртага қўйилган масалани ўзича эркин турда хал қилиш қобилияти йўқ. Комил инсон қаторига, баридан аввал, одоб-ахлоқий онги ривожланган одамни ва жамият тақдирига виждони билан ҳалол қарайдиган, халқпарвар ва фидойи инсонни киритиш мумкин.

Доно мутафаккирларимизнинг ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фикрларидан келиб чиқиб, етук комил инсонни қуйидагича тарифлаш мумкин: Комил инсон – бу ақли, одоб-ахлоқли, маданиятли, жисмоний тарафдан чиниққан шахс. У кенг ва теран қарашга эга, етук сиёсий, ҳуқуқий, миллитлараро муносабат, одоб-ахлоқий, эстетик, экологик, жисмоний, қундаликли ҳаётий муносабат ва оилавий маданиятларга эга бўлган, ҳозирги замон билимлари ва кўникмалари билан теран қуролланган, белгили бир мутахассисликнинг етук эгаси айланган инсон бўлади. Шунингдек, комил инсон мустақиллик руҳидаги ўй фикрга ва миллий мақтаниш сезимида эга бўлиши, Ўзбекистонимизнинг улуғ келажига тўла ишониши, унга эришиш учун жадал иштирок этиши, сўзнинг чин маносида Ватанпарвар бўлиши лозим. Мана, бўлар етук баркамол инсоннинг тарифлари ва белгилари. Манавий етуқликнинг ўлчами унинг юриш-тўришида, ҳаёт тарзида, бошқаларга муносаба-тида юзага чиқади. Одамнинг етуқлик даражаси унинг ички ва ташқи дунёсида, ақли, ўй-фикри билан амалий ишларида, сўзи билан ишининг бирлигида кўринади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
4. Абулқосим Фирдавсий. Шохнома. Танланган дostonлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
5. Абу Райхон Беруний. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / 2-е изд., доп. и испр. - СПб.: Петербургское лингвистическое общество, 2011.
6. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. II Том. Ҳиндистон. - Т.: «Фан», 1965.

7. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Кириш сўзи И.Абдуллаев ва О.Файзуллаевники. – Т.: «Фан», 1968.
8. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-жилд. Хамса: Ҳайратул- аброр. – Тошкент: “Фан”, 1992.
9. Бердак. Сайланды шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997.
10. Камиллов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Тошкент: «Ёзувчи», 1996.

РЕЗЮМЕ

Мақолада комил инсонни шакллантириш ғояси одамзот цивилизацияси ривожланишининг барча босқичларида энг аҳамиятли, долзарб муаммо бўлганлиги мисоллар орқали таҳлил қилинади. Комил инсонни тарбиялаш масаласи қорақалпоқ халқи этнопедагогикасида ҳам қадимдан энг асосий долзарб вазифа эканлиги таъкидланади.

РЕЗЮМЕ

В статье проводится комплексный научно-теоретический анализ периода создания каракалпакского народного эпоса «Шахрийор». Также даны воспитательные аспекты, и на основе этих концепций делается вывод о том, что эпос является одним из бесценных педагогических наследий раннего Возрождения.

SUMMARY

The article provides a comprehensive scientific and theoretical analysis of the period of creation of the Karakalpak folk epic "Shahriyori". It is also given the educational perspectives, and on the basis of these concepts it is concluded that the epic is one of the invaluable pedagogical heritage of the early Renaissance.

ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОСТЬ, ОСОБЕННОСТИ И ФАКТОРЫ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ РАБОТ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Н.А.Бекетов – преподаватель

Чирчикский государственный педагогический институт

Таянч сўзлар: таълим, мактаб, курс, ўқув жараёни, қонун, давр, устуворлик тамойили, долзарб вазифалар.

Ключевые слова: образование, школа, курс, образовательный процесс, закон, период, принцип приоритета, актуальные задачи.

Key words: education, school, course, educational process, law, period, priority principle, current tasks.

В контексте воспитания актуальные проблемы сегодняшнего дня напрямую связаны с процессами глобализации, наблюдаемыми в мировом сообществе. Возникает ряд проблем, проявляющиеся в качестве отрицательных последствий глобализации и связанные с организацией группой людей продуманной, внутренней разобщенности той или иной нации или общества и использованием этого в своих корыстных целях, что невозможно представить воспитательные задачи образовательных учреждений сегодняшнего времени отдельно от данных проблем.

Усовершенствование воспитательного процесса в школах общего среднего образования на основе закономерности развития диалектики является непрерывным процессом. Поскольку воспитание, опираясь на свои сформированные годами суть и содержание, цель и приоритетные принципы, проявляется в исполнении характерных для каждой эпохи особых актуальных задач с своеобразными формами и средствами. Преследуемые от педагогической науки и образовательно-воспитательного процесса цели каждой эпохи в определенной степени отличаются друг от друга. Социально-политический строй, научно-техническое развитие, наблюдаемые в мировой геополитической арене социально-политические процессы, изменение общественного мышления и требований общества остро ставят всё новые проблемы перед образованием и воспитанием и поиск научных подходов, методов и технологий, форм и средств их решения меняет актуальные задачи педагогической науки в соответствии с эпохой.

Учеными нашей страны А.Зуннуновым, У.И.Махкамовым, Ш.К.Мардоновым, Н.Саидахмедовым, Т.Гаффаровой, Р.М.Сарсенбаевой, О.Хасанбоевой, Н.Холлигитовой, Д.Абдумаджидовой, А.Кенджабоевым, С.А.Низомхоновым, И.Мадаминовым, Ф.Джумановой, Ж.Равшановым проанализирована система усовершенствования педагогических основ, технологий и методов национального воспитательного процесса.

В исследованиях У.Махкамова проанализированы суть и содержание, цель и задачи воспитательного процесса, технологии организации и управления воспитательных работ в образовательных учреждениях, в частности, вопросы подготовки будущих учителей организации воспитательных работ. Исследователь правильно утверждает, что "... в постоянно

меняющемся сегодняшнем времени постоянное повышение знаний и квалификации всех учителей, классных руководителей, родителей по поводу воспитания считается одним из актуальных задач. Поскольку, как утверждает наш руководитель, "Школа должна стать для всех нас не только местом воспитания, но и колыбелью высокой духовности, школой, обучающей наших детей профессии с детства". Итак, подобное тому, как активная деятельность преподавателей в области науки системе непрерывного образования, участие в проектах по воспитанию молодежи, создание научно-методических программ, служит повышению интеллектуальной и духовной способности, силы и благородных качеств молодых учителей и реализации благих целей" [2].

У.Махкамов и Д.Исмоилова, продолжая мнение Т.В.Яровой о факторе воспитания, приходят к выводу о том, что организация воспитательных работ и повышение их эффективности во многом зависит от взаимоотношений учителя и учащихся, а также организации творческой деятельности. По мнению исследователей, при этом уделяется внимание произвольности активности, организаторству и креативности учащихся в проектировании учителями учащихся процесса точности и восприимчивости вопросов дисциплины и нрава в повседневной жизни, коллективе, приспособлении форм, методов, условий к заранее поставленной цели, их духовном состоянии, общении и отношениях, создании духовных условий, соблюдении этических требований в воспитательных мероприятиях [2].

У.Махкамов отмечает, что среди факторов воспитания важны еще три социальных явления. Это, способность, знания и трудолюбие [2]. Исходя из этого исследователи высоко оценивают роль классных руководителей в организации воспитательных работ и приходят к выводу о том, что изучение классным руководителем уровня воспитанности учащихся, обладание способностью воспитательного влияния на него, выбор необходимых для воспитательных работ и мероприятий методов, анализ опыта сотрудничества с родителями в достижении намеченной цели и творческое использование их в своей деятельности повышают эффективность воспитательных работ.

Исследователи акцентируют внимание на следующих аспектах, связанных с правильной организацией воспитательной работы:

- направленность воспитания на одну цель;